



20 19-yil « 5 » 12 № 08-649 «        » 20        года

**Тошкент давлат юридик университети магистратураси  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 марта “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарорига ҳамда университет кенгашининг 2019 йил 31 октябрь 2-сон мажлис баённомасига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Тошкент давлат юридик университети магистратураси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Магистратура бўлими (Д.Бабаев), Ўкув-услубий бошқарма (А.Тошпулатов) ва кафедра мудирлари ўкув жараёнини ушбу низом талаблари асосида ташкил этилишини таъминласин.
3. Тошкент давлат юридик университети ректорининг 2018 йил 14 сентябрдаги 08-458-сонли “Тошкент давлат юридик университети магистратурасида ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.
4. Мазкур буйруқ бажарилишини назорат қилиш проректор Н.Салаев зиммасига юклатилсин.

Адлия вазири  
ўринбосари – ректор

Р.Хакимов

Тошкент давлат юридик  
университети ректорининг  
2019 йил 5.12 даги  
08-649-сон буйругига  
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университети  
магистратураси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарорига мувофиқ Тошкент давлат юридик университетида (кейинги ўринларда – университет) магистратурада ўқитишнинг умумий қоидалари ва тартиби, умумқабул қилинган халқаро стандартларга асосан магистрлик диссертацияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган мезонлар ҳамда талабларни белгилайди.

2. Асосий тушунчалар:

**магистратура** – аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида бир йил давом этадиган олий таълим;

**магистр** – муайян мутахассислик бўйича ўқув режа ва дастур талабларини бажарган магистратура битирувчisi;

**магистратура талабаси** – муайян магистратура мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилинган ва таҳсил олаётган олий маълумотга эга бўлган шахс;

**магистрлик диссертацияси** – магистратура таълими жараёнида магистратура талабаси томонидан мутахассислик бўйича танланган долзарб мавзуда норматив-хукуқий база, илмий-тадқиқот ишлари, хукуқни қўллаш амалиётининг танқидий таҳлилига асосланган, шунингдек юриспруденциянинг замонавий тенденцияларини ўз ичига олган хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида ёзиладиган ёзма тадқиқот иши;

**илмий раҳбар (маслаҳатчи)** – магистрлик диссертациясини тайёрлаш масалалари бўйича магистратура талабаларига раҳбар (маслаҳатчи)лик қилувчи юридик фанлар бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган мутахассис.

3. Университетда магистрларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланадиган давлат гранти ва тўлов-контракт асосидаги қабул квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

Магистратура дастури яқунланиши “магистр” даражасини берувчи яқуний давлат аттестацияси ҳисобланади.

4. Университетда магистрларни тайёрлашни мувофиқлаштириш Магистратура бўлими томонидан амалга оширилади.

Магистратура бўлими кафедралар билан биргаликда:

магистрлар тайёрлаш бўйича ўкув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш, магистратура босқичида таълим бераётган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтиладиган дарс машғулотлари сифати ҳамда магистрлик диссертациялари тайёрланиш ҳолатини назорат қилишни амалга оширади;

ўкув-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлари, жумладан, илмий раҳбарлар фаолиятини сифатли амалга оширилишини таъминлайди.

## **2-боб. Магистрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар**

5. Магистрлар тайёрлашга қўйиладиган умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори билан белгиланади. Аниқ мутахассислик бўйича магистрларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар университет томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган магистратура мутахассислари малака талаблари билан белгиланади.

6. Магистр:

юқори савияда илмий изланишлар олиб бориш;

танқидий фикрлаш ва тизимли таҳлил қилиш;

таҳсил олаётган мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот, педагогик ва касбий фаолиятни мустақил юритиш;

касбий фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

олий таълимдан кейинги таълимни магистрлик тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича таянч докторантурга ёки мустақил изланувчилик институтида давом эттириш қобилиятига эга мутахассис сифатида тайёрланади.

## **3-боб. Магистратура талабаларининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

7. Магистратура талабалари хуқуqlари:

таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиёт, ижтимоий ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мувофиқ билимларни олиш;

университет фаолияти билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиша иштирок этиш;

университет ахборот-ресурс марказлари хизматларидан, шу жумладан, ўкув-методик ва илмий адабиётлардан, шунингдек университетнинг уставида белгиланган тартибда бошқа турдаги хизматлардан бепул фойдаланиш;

илмий-тадқиқот лойиҳалари, конференциялар, симпозиумлар, илмий семинарлар, давра сухбатлари ва бошқа илмий тадбирларда иштирок этиш;

ўз илмий-тадқиқот ишларини илмий нашрларда чоп этишга тақдим этиш;

университет Кенгаши тавсиясига мувофиқ етакчи хорижий ва республика таълим (илмий) муассасаларида амалиёт ўташ, стажировкада бўлиш ёки магистрлик диссертациясининг тажриба-синон қисмларини бажариш учун ушбу муассасалар билан тегишли келишувлар мавжуд бўлганда уларга йўлланма олиш;

университет раҳбариятигининг қарорларидан норози бўлган тақдирда белгиланган тартибда улар устидан шикоят қилиш;

магистратура талабалари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва микдорлардаги стипендия, Давлат стипендияси ҳамда ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тайинланадиган стипендияларни олиш.

Магистратура талабалари қонун ҳужжатларида ва университет уставида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

#### 8. Магистратура талабаларининг мажбуриятлари:

магистратуранинг тегишли мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурларида назарда тутилган билимларни эгаллаш ва ўзлаштириш;

магистрлик диссертациясини тайёрлаш;

университетнинг устави, талаблари, ички тартиб қоидалари ва одобахлоқ қоидаларига риоя этиш.

### **4-боб. Магистратурада таълим жараёнини ташкил этиш**

9. Магистратурада таълим жараёни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда университет Кенгаши томонидан тасдиқланадиган магистратура мутахассислиги ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ташкил этилади.

10. Магистратурада ўқув жараёнини ташкил этиш учун қуйидаги талаблар қўйилади:

таълим жараёнининг магистратура мутахассислари бўйича илмий-педагогик кадрлар билан таъминланганлиги;

зарур ўқув-методик ва моддий-техник базанинг мавжудлиги.

11. Магистратура талабасининг магистрлик диссертациясини тайёрлаш билан боғлиқ фаолияти белгиланган тартибда тасдиқланган режага асосан амалга оширилади.

12. Магистратура талабасининг магистрлик диссертациясини тайёрлаш режаси илмий раҳбар билан биргаликда ишлаб чиқилади ва Магистратура бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади. Магистратура талабаси магистрлик диссертациясини тайёрлаш режаси бажарилиши бўйича ҳар ойда кафедра йиғилишида ҳисбот беради.

Магистратура бўлими магистрлик диссертациялар ҳимояси юзасидан тегишли кафедра мудирлари маълумотлари асосида ўқув йили якунида университет Илмий - услубий кенгашига ҳисбот тақдим этади.

## **5-боб. Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳбар тайинлаш**

13. Магистрлик диссертацияларининг мавзулари танланган соҳа мутахассислиги бўйича долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ҳамда уларни тор қамровда чуқур тадқиқ қилишга ёки аниқ амалий вазифаларни ҳал этишга бағишиланган бўлиши лозим. Магистрлик диссертацияларининг намунавий мавзулари кафедра томонидан шакллантирилади. Магистратура талабаси кафедра томонидан шакллантирилган мавзулардан бирини ёки ўзи таклиф этган мавзуни танлашга ҳақли.

Магистрлик диссертация мавзусини танлаш ва илмий раҳбар тайинланиши учун магистратура талабаси тегишли мутахассисликка мос келувчи кафедра мудири номига 15 октябрга қадар ариза билан мурожаат қиласди.

Тегишли кафедра танланган магистрлик диссертациялари мавзулари ва илмий раҳбарлар тўғрисидаги маълумотларни баённома билан тасдиқлайди ҳамда 1 ноябрга қадар Магистратура бўлимига тақдим этади.

14. Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик қоида тариқасида университетда фаолият юритадиган, илмий даражা ёки илмий унвонга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларнинг юқори малакали ва тажрибали юридик ёки тадқиқот мавзусига алоқадор соҳанинг илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган амалиётчи мутахассислари ёки хорижий мутахассислар томонидан ҳам илмий раҳбарлик амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимларидан илмий раҳбар тайинланган тақдирда, талабага қўшимча равишда тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари таркибидан илмий маслаҳатчи тайинланади. Магистрлик диссертациясини бажариш доирасида илмий раҳбар билан бир хил масъулият илмий маслаҳатчига ҳам юклатилади. Бунда магистратура талабасига илмий раҳбарлик учун белгиланган соат ҳажми илмий маслаҳатчи юкламасига киритилади.

15. Илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича магистратура талабалари билан ишлиши, уларнинг университетда ўқув йили шахсий иш режаси билан белгиланадиган ўқув тусдаги ишлар юкламасига киритилади.

16. Профессор ёки фан доктори ёхуд фан доктори (DSc) 5 тагача, шунингдек доцент, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) 3 тагача магистрлик диссертациясига раҳбарликни амалга ошириши мумкин.

Кафедра магистрлик диссертациясига раҳбарлик қила оладиган илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар сони етарли бўлмаган тақдирда илмий раҳбар сифатида бошқа турдош кафедра профессор-ўқитувчилари ёки амалиётчи мутахассис жалб қилиниши мумкин.

17. Магистратура талабаларининг магистрлик диссертацияси мавзулари ва уларнинг илмий раҳбарлари кафедралар томонидан тавсия этилади ва

Магистратура бўлимига тақдим этилади. Магистрлик диссертацияси мавзулари ва уларнинг илмий раҳбарлари университет Илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинади ҳамда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор тақдимиға асосан ҳар йили 5 ноябрга қадар университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

18. Илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг мажбуриятларига қўйидагилар киради:

магистратура талабасига тадқиқот мавзуси доирасида юзага келиши мумкин бўлган масалалар бўйича тизимли равишда маслаҳатлар бериб бориш;

тадқиқот усусларини танлашда ва уларни тадқиқот ишида қўллашда магистратура талабасига кўмаклашиш;

магистратура талабасининг белгиланган режаси бўйича ишларнинг бажарилишини ва магистрлик диссертацияси ўз вақтида тайёрлананишини назорат қилиш;

дастлабки ҳимоягача магистрлик диссертациясига хулоса бериш.

## **6-боб. Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

19. Магистрлик диссертацияси қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

титул вараг (намуна илова қилинади);

давлат тили ва магистрлик диссертацияси тайёрланган тилда қисқача аннотация;

мундарижа;

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

иловалар (мавжуд бўлса).

20. Кириш қисми қўйидагиларни қисқача ўз ичига олиши лозим:

магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;

тадқиқот обьекти ва предмети;

тадқиқот мақсади ва вазифалари;

илмий янгилиги;

тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси;

тадқиқотнинг усувлари;

тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;

магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми.

Кириш қисми магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг 5 фоизидан ошмаслиги керак.

21. Магистрлик диссертациясининг асосий қисми камида икки бобдан иборат бўлиб, боблар мантиқий изчиллик, фикр (фоя)лар кетма-кетлиги, ҳажми жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши ва қуидагиларни ўз ичига олиши лозим:

тадқиқот мавзусига тааллуқли бошқа манбаларда келтирилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили;

тадқиқот методикаси ва ишнинг амалий қисми баёни;

тадқиқот олиб борилган масалани ҳал этишда магистратура талабасининг шахсий ҳиссаси кўрсатилган ҳолда тадқиқотнинг асосий натижалари баёни.

22. Магистрлик диссертациясининг хulosаси қисмida барча бобларда қайд этилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек илмий тадқиқот муаммосини ҳал этиш бўйича хulosалар ёритилади. Хulosаси қисми магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг 5 фоизидан ошмаслиги керак.

23. Магистрлик диссертациясига унинг мазмунини баён этиш учун бевосита зарур бўлган қўшимча маълумотларни ўз ичига олган материаллар илова қилиниши мумкин. Илова қисмининг ҳажми магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг учдан бир қисмидан ошмаслиги лозим.

24. Магистрлик диссертацияси магистратура талабаси томонидан шахсан тайёрланиши шарт. Магистрлик диссертациясини ёзишда магистратура талабаси илмий изланишлар олиб бориш этикасига ва адабиётларга ҳаволаларни расмийлаштириш қоидаларига қатъий риоя этиши шарт (Матндаги ҳаволаларни кўрсатиш тартиби илова қилинади). Бунда плагиат, маълумотларни сохталаштириш, шунингдек сохта иқтибослар келтиришга йўл қўймаслик лозим.

Мазкур талабларни назорат қилиш мақсадида магистрлик диссертацияларининг электрон экспертизаси ташкил этилиши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг матнида юқоридаги ҳолат(лар) аниқланган тақдирда диссертация 0 (ноль) балл билан баҳоланади ва расмий ҳимояга қўйилмайди.

25. Магистрлик диссертацияси матни А4 форматдаги стандарт қофзда қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ёзилади:

қаторлар оралиғи – 1,5 см;

юқори ва пастки ҳошия 2 см, сатр боши чап томондан 3 см, ўнг томондан 1,5 см;

хатбошилар орасидаги оралиқ – 5 ёки 6 белгили.

Магистрлик диссертацияси матнини Microsoft Word матнли редакторида Times New Roman 14 ўлчамли шрифтда ёзиш тавсия этилади.

26. Магистрлик диссертациясининг ҳажми титул варак, мундарижа, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 60-80 саҳифа бўлиши лозим.

27. Магистрлик диссертацияси магистратура талабаси ўқиган тилда (магистратура талабасининг хоҳишига ва илмий раҳбарнинг розилигига кўра хорижий тилда) тайёрланади. Хорижий тилда тайёрланган магистрлик диссертациясига давлат тилида ёзилган аннотация илова этилади. Мазкур

магистрлик диссертацияларининг дастлабки ва расмий ҳимоялари, заруратга қараб таржима билан ўтказилади.

### **7-боб. Магистратура талабалари фаолиятининг мониторинги**

28. Магистратура талабаси фаолияти мониторинги магистратура бўлими томонидан тегишли кафедра билан биргаликда олиб борилади.

29. Магистратура талабаси фаолияти мониторинги куйидаги кўрсаткичлар асосида олиб борилади:

магистратура талабаси режасининг белгиланган муддатларга риоя қилган ҳолда бажарилиши;

мақола ва тезис чоп этганлиги;

магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояга тайёргарлик ҳолати;

илмий семинарларда иштирок этганлиги;

мутахассислик бўйича барча ўқув фанларини ўзлаштириш даражаси.

30. Мониторинг жараёнида магистратура талабалари билан сұхбатлар ўтказилади, тегишли таклиф ва тавсиялар берилади.

31. Ўқув йили охирида Магистратура бўлими мониторинг якунлари бўйича университет Илмий-услубий кенгашига ҳисобот тақдим этади.

### **8-боб. Магистрлик диссертациясининг кафедра муҳокамаси ва дастлабки ҳимоясини ташкил этиш**

32. Магистрлик диссертацияси ушбу низомнинг 6-бобида белгиланган талабларга мос ҳолда тайёрланишини таъминлаш мақсадида кафедралар томонидан январь-апрель ойларида камида икки маротаба магистрлик диссертацияси муҳокамаси ўтказилади. Мазкур жараён ўз вақтида ва сифатли ташкил этилишига кафедра мудири ҳамда илмий раҳбар масъул ҳисобланади.

33. Магистрлик диссертациясининг якунланган матни тақриз ва илмий раҳбар хulosасини олиш учун уч нусхада ўқув йили май ойининг биринчи ўн кунлигига кафедрага тақдим этилади.

34. Кафедра мудири магистрлик диссертацияси бўйича илмий раҳбар хulosаси ва кафедрадан тайинланадиган тақризчидан тақриз олинган тақдирда уни кафедра муҳокамасига қўяди.

35. Магистрлик диссертацияси бўйича кафедра муҳокамаси натижалари баённома билан расмийлаштирилиб, Магистратура бўлимига тақдим қилинади.

36. Магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси мутахассислар кесимида университетнинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори раҳбарлик қиласиган комиссия томонидан ўтказилади. Комиссия таркиби Магистратура бўлими бошлиғи, тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари киритилади. Илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштироки кафедра томонидан таъминланади.

Дастлабки ҳимоя расмий ҳимоядан камида бир ой олдин ўтказилади.

37. Дастлабки ҳимояга қадар магистратура талабаси илмий раҳбар (маслаҳатчи) хulosаси, тақризлар, шунингдек диссертация мавзусига доир чоп этилган камида битта илмий мақола ва битта тезисга эга бўлиши керак.

Дастлабки ҳимоя якунлари тегишли баённома билан расмийлаштирилади ҳамда университетнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

38. Магистрлик диссертацияси мазкур низом талабларига мос келмаган тақдирда, шунингдек аниқланган камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш имкони мавжуд бўлмаганда дастлабки ҳимояда магистрлик диссертациясини расмий ҳимояга қўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хulosа берилади. Бунда магистрлик диссертацияси расмий ҳимояга қуйилмайди.

## **9-боб. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимоясини ўтказиш тартиби**

39. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси университетнинг Якуний давлат аттестация комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия) томонидан жамоатчилик иштирокида шаффоффлик тамойили асосида (реал вақт режимида ёки видео ёзуви орқали) ўтказилади.

40. Комиссияси таркиби ва магистрлик диссертациясини расмий ҳимоя қилиш куни университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

41. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси оғзаки шаклда магистрлик диссертацияси тайёрланган тилда амалга оширилади. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси тақдимот материаллари билан баён этилиши ва 20 дақиқадан ошмаслиги лозим.

42. Якуний давлат аттестация комиссияси томонидан магистрлик диссертацияси ва унинг ҳимояси 100 баллик тизимда баҳоланади (Баҳолаш мезонлари илова қилинади).

43. Расмий ҳимояга қўйилмаган ёки ҳимояда умумий балнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган тақдирда магистратура талабаси кейинги уч йил давомида магистрлик диссертациясини қайта ҳимоя қилиш хуқуқига эга.

44. Магистрлик диссертацияларининг расмий ҳимояси натижалари университет Кенгашида муҳокама этилади.

45. Ҳимоя қилинган магистрлик диссертациялари университетда уч йил давомида сақланади.

## **10-боб. Магистрлик диссертацияси ҳимояси натижалари юзасидан шикоят қилиш**

46. Якуний давлат аттестация комиссияси томонидан қўйилган балдан норози бўлган магистратура талабаси натижалар эълон қилинган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичida университет ректори номига апелляция шикояти бериши мумкин. Мазкур ҳолатда Магистратура бўлими бошлигининг билдиргисига мувофиқ университет ректори буйруғи билан беш нафар аъзодан кам бўлмаган апелляция комиссияси тузилади.

Магистрлик диссертациясининг дастлабки ёки расмий ҳимоясида комиссия аъзоси сифатида иштирок этганлар апелляция комиссиясида иштирок этиши мумкин эмас.

47. Апелляция комиссиясининг учдан икки қисми мавжуд бўлганда у ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссияси қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва барча комиссия аъзолари ҳамда мажлис иштирокчилари томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

Магистратура талабасининг шикояти апелляция комиссияси томонидан унинг иштирокида кўриб чиқилади.

Апелляция комиссияси шикоятни кўриб чиқиш жараёнида магистратура талабасининг эътиrozларини ҳар томонлама ўрганиб чиқади.

48. Апелляция комиссияси қайта баҳолаш учун магистрлик диссертацияси бўйича қўшимча саволлар бериш ҳуқуқига эга эмас.

49. Апелляция комиссияси магистратура талабасининг шикоятини кўриб чиқиш якунлари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қиласи:

қўйилган бални ўзгаришсиз қолдиради;

қўйилган бални ўзгартиради.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнида магистратура талабаси томонидан олинган олдинги бални пасайтириш тақиқланади.

## **11-боб. Якунловчи қоидалар**

50. Мазкур низомнинг қўлланилиши бўйича келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

51. Мазкур низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

52. Мазкур низом ТДЮУ Кенгаши томонидан маъқулланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган.

Тошкент давлат юридик университети  
магистратураси тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Якуний давлат аттестация комиссияси томонидан магистрлик диссертацияси ва унинг ҳимоясини  
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

№	Баҳолаш мезонлари	Баҳоланадига баллар кесими	Баҳо (балл)
<b>I. Магистрлик диссертацияси мазмуни ва расмийлаштирилганлиги 0-50 балгача*</b>			
1.	Диссертация мавзуси билан унинг мазмуни ўртасидаги ўзаро мутаносиблик.	0-5 балл	
2.	Диссертация тадқиқот мавзусининг долзарбилиги ва унинг амалиёт билан боғлиқлиги.	0-5 балл	
3.	Илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-хукукий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек халқаро илмий-техник маълумотлар базалари (Scopus, Science Direct ва бошқалар)дан фойдаланилганлик даражаси.	0-5 балл	
4.	Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалий аҳамияти.	0-10 балл	
5.	Тадқиқот ва муаммони ҳал қилиш бўйича магистратура талабасининг мустақил ёндашуви.	0-15 балл	
6.	Диссертация доирасида ишлаб чиқилган хуносаларнинг ишнинг асосий қисми билан боғликлек даражаси.	0-5 балл	
7.	Магистрлик диссертациясининг расмийлаштириш қоидаларига мос келиши.	0-5 балл	

<b>II. Магистратура талабасининг мавзуни ўзлаштирганлик даражаси ва ўз позициясини ҳимоя қила олиши 0-40 балгача</b>			
1.	Тадқиқот мавзуси долзарбилиги, мақсади ва вазифаларини тавсифлаб бера олиши.	0-5 балл	
2.	Магистрлик диссертациясида қўлланилган методлар ҳамда фаразларнинг аҳамиятини тушунтириб бера олиши.	0-5 балл	
3.	Мавзу доирасидаги илмий адабиётлардаги ғоялар, қарашлар ва назарияларга тадқиқотчининг муносабат билдира олиши.	0-10 балл	
4.	Хуросода илгари сурилган таклифларни асосий қисм билан боғлиқлигини таъминлаган ҳолда аниқ ва равон ҳолда асослаб бера олиши.	0-10 балл	
5.	Магистрлик диссертацияси доирасида берилган саволларига аниқ ва асосланган жавоб бера олиши.	0-10 балл	
<b>III. Магистрлик диссертацияси тақдимоти бўйича 0-10 балгача</b>			
1.	Магистратура талабасининг диссертация ишини тақдим қила олиш қобилияти.	0-3 балл	
2.	Тақдимотда диссертациянинг асосий мазмунининг очиб берилганлиги.	0-5 балл	
3.	Тақдимот қилишда вақт регламентига риоя қилинганлиги.	0-2 балл	

**Изоҳ: магистратура талабаси белгиланган умумий бал (100 бал)нинг камида 55 фоизини тўплаганда магистрлик диссертацияси муваффакиятли ҳимоя қилинган деб ҳисобланади.**

Тошкент давлат юридик университети  
магистратураси тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Кўлёзма ҳуқуқида**  
**УДК 000.0(000.0)**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**  
**Тошкент давлат юридик университети**

---

Магистратура йўналиши

---

Ф.И.О.

---

мавзу

## **МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар(маслаҳатчи):**

---

**ТОШКЕНТ – 20\_\_**

Тошкент давлат юридик университети  
магистратураси тұғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

## **Матндағи ҳаволаларни күрсатиш**

Матндағи манбаларга ҳаволаларни эслатма шаклида көлтириш ёки манбаниң “Фойдаланилған адабиётлар рўйхати” бўйича тартиб рақамини квадрат қавсларда күрсатиш лозим.

### **Фойдаланилған адабиётларнинг ёзилиш намуналари**

#### **I. Китоб ва туркум нашрлари**

1.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами.

а) бир муаллифнинг: Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳукуқида муддатлар ва даъво муддати. — Тошкент: ТДЮИ, 2004. — 150 б.

б) бутун манбага ҳавола: Годунов С.К., Рябенький В.С. Разностные схемы (введение в теорию). Учеб. пособие для ВУЗов. — М.: Наука, 1992. — 399 б.

в) икки муаллифнинг: Годунов С.К., Рябенький В.С. Введение в теорию разностных схем. — М.: Физматгиз, 1982. — 168 б.

г) уч муаллифнинг: Кошляков Н.С., Глинер Э.Б., Смирнов М.М. Математик физиканинг дифференциал тенгламалари. — М.: Физматгиз, 1962. — 67 б.

д) тўрт муаллифнинг: Естественные составляющие метеорологических полей / Мещерская А.В., Руховец Л.В., Юдин М.И., Яковлева Н.И. — Л.: Гидрометеоиздат, 1970. — 199 б.

е) муаллифлар жамоаси учун: Планирование, организация и управление транспортным строительством /А.М. Коротеев, Т.А. Беляев ва б.; А.М. Коротеев таҳрири остида — М.: Транспорт, 1989. — 286 б.

#### **1.2. Кўп томлик китоблар**

а) бутун манбага ҳавола: Флетчер К. Вычислительные методы в динамике жидкостей. В 2-х т. — М.: Мир, 1991. — 504 б.

б) алоҳида томнинг тавсифи: Седов Л.И. Механика сплошной среды. В 2-х т. — М.: Наука, 1983. Т.1. Б. 114—125.

#### **2. Диссертация ва диссертация автореферати**

2.1. Кузнецов Ю.И. Построение информативного базиса в задачах общей циркуляции отмосферы: Дис... канд. физ.—мат. наук. — Новосибирск: ВЦ СО РАН, 1997. — 134 б.

2.2. Фролов В.В. Теоретические проблемы правового регулирования специальных экономических зон: Автореф. дис... канд. юр. наук — М.: МГУ, 1997. — 22 б.

### **3. Журналдаги мақолаларга ҳаволалар**

3.1. Бахвалов Н.С. К оптимизации методов решения краевых задач при наличии пограничного слоя // Ж. вычисл. матем. и матем. физ. — 1969. — № 4 (9). — Б. 841—859.

### **4. Илмий иш түпламларига ҳаволалар**

4.1. Интеллектуальное общение с ЭВМ: Сб. науч. тр. ТашГУ. — Ташкент, 1986. — 270 б.

### **5. Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар**

5.1. Петров С.М. Влияние конечной скорости распространения поперечной волны на динамическое поведение высокого сооружения //IV Российская конф. по сейсмостойкому строительству: Тез. докл. — М., 2001. 55 б.

5.2. Иванов П.К. Алгоритм исследования колебаний осесимметричных сооружений с динамическими гасителями //Перспективные информационные технологии: Тез. докл. респ. науч. конф. 21-22 мая 2002. — Ташкент, 2002. 132-133 б.

### **6. Депонентлаштирилган илмий ишларга ҳаволалар**

6.1. Соатов У.А. Необходимое и достаточное условие существования решения частично интегрального уравнения с вырожденными ядрами. — Т.: 1997. 29 б. — Деп. в ГФНТИ ГКНТ РУз 01.10.97. - № 2677-97.

### **7. Интернетдаги (электрон) манбаларга ҳаволалар**

7.1. Donald Clark. Plan B:MOOCs: taxonomy of 8 types of MOOC.  
<http://donaldclarkplanb.blogspot.com/2013/04/moocs-taxonomy-of-8-types-of-mooc.html>.

Тошкент давлат юридик университети  
магистратураси тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси расмий ҳимояга  
қадар шакллантирилиши керак бўлган кафедра мудири ва илмий  
раҳбар назоратидаги чора-тадбирлар рўйхати**

№	Бажариладиган ишлар рўйхати	Магистратура талабаси имзоси	Илмий раҳбар имзоси
<b>Магистрлик диссертацияси шакли юзасидан талаблар</b>			
1.	Аннотация (Ўзбек, рус, инглиз тилида)		
2.	Мундарижа		
3.	Кириш (диссертация умумий ҳажмининг 5% дан ошмаганлиги )		
4.	Асосий қисм (2 боб, параграфлар)		
5.	Хулоса (диссертация умумий ҳажмининг 5% дан ошмаганлиги )		
6.	Адабиётлар рўйхати		
<b>Магистрлик диссертация мазмунини расмийлаштириш талаблари</b>			
7.	Диссертация ҳажми (60-80)		
8.	Ҳаволаларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги		
9.	Плагиат бўйича текширувдан ўтганлиги		
<b>Магистрлик диссертация расмийлаштиришга оид талаблар</b>			
10.	Ташқи тақриз		
11.	Ички тақриз		
12.	Илмий раҳбар хулосаси		
13.	Кафедра баённомаси билан тавсия этилганлиги		
14.	Дастлабки ҳимоядан ўтганлиги		
<b>Илмий мақола ва тезисларга оид талаблар</b>			
15.	Мавзуга оид тезис (илмий тўпламда камида 1 та)		
16.	Мавзуга оид мақола (илмий журналда камида 1та)		

Кафедра мудири

Ф.И.О.